

Томди тумани

"27" сентябр 2022 йил.

Томди тумани Ободонлаштириш бошқармаси (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи бошлик **Х.Б.Аманов** иккинчи томондан, Қурилиш монтаж ишларини бажарувчи **Томди тумани йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси** (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи директор **И.Норов** мазкур шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қўйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилиши (таъмирланиши)га ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш (таъмирлаш) майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш (таъмирлаш) майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вакцинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш (таъмирлаш) майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вакцинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нарҳини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари кийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий кийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Томди тумани “Шарк” ОФЙ Шарк массиви ички йулларини жорий таъмирлаш ишлари смета лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш бўйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Ушбу шартнома Etender.uzex.uz қурилиш миллий ахбарот тизимининг 2022 йил 22 сентябрдаги лот №22110012148789 ва №148789-сонли баёнига асосан тузилди.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Ушбу шартнома Etender.uzex.uz қурилиш миллий ахбарот тизимининг 2022 йил 22 сентябрдаги лот №22110012148789 ва №148789-сонли баёнига асосан 139 000 000 (Бир юз уттиз туккиз миллион) сўмга тузилди.

4. 0,340 км Томди тумани “Шарк” ОФЙ Шарк массиви ички йулларини жорий таъмирлаш ишлари смета лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш бўйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

қурилиш (таъмирлаш) кийматини қўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши (таъмирланиши) бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нарҳларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

қурилиш (таъмирлаш) майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омондорлик жойлаш ва сақлаш;

қурилиш (таъмирлаш) майдони ҳудудида вакцинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш (таъмирлаш) майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш (таъмирлаш) майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-

қурилиш (таъмирлаш) майдонида зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш (таъмирлаш) майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш (таъмирлаш) майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш (таъмирлаш) майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш (таъмирлаш) майдони қўриқлигини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз қучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулк жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш (таъмирлаш) майдонини объект қурилиши (таъмирланиши) ва қурилиш (таъмирлаш) тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома асосида Пудратчига топшириш;

ишлар бажарилиши устидан донимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш; молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш; мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

11. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилиш (таъмирлаш)нинг давом этиш вақти 90 (туқсон) кун ва бажариш жадвали илова қилинади.

12. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

13. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 фоизи аванс туловни амалга оширади 2 ойга булинган ҳолда (15%) ҳар ойга .

14. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади

15. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

16. Буюртмачи қурилиш (таъмирлаш) майдонида ўз вақилини - техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

17. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

- Техник назоратчи қурилишда аниқланган камчиликларни камчиликлар дафтарида қайд этади ва Пудратчи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш чорасини кўради.

18. Пудратчи техник назоратчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш (таъмирлаш) майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

19. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

20. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

21. Қурилиш (таъмирлаш) майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

22. Буюртмачи қурилиш (таъмирлаш) майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва қурилиш (таъмирлаш) ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

23. Буюртмачи қурилиш (таъмирлаш) майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш (таъмирлаш) майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

24. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

25. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига топширади.

26. Қурилиш (таъмирлаш) майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

27. Пудратчи ўзи томонидан қурилиш (таъмирлаш)да қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

28. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг "Йўлқурилиш ишларини назорат қилиш" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

29. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг "Йўлқурилиш ишларини назорат қилиш" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

30. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

31. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг инсталланган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четта чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш (таъмирлаш) сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

32. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш (таъмирлаш) қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун ўз ҳисобидан келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

33. Пудратчи қурилиш (таъмирлаш) майдонини ва унга тугаш кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш (таъмирлаш) даврида майдондан қурилиш (таъмирлаш) ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

34. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилиш (таъмирлаш)ни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) аке эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачининг вакили техник назоратчи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

35. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш (таъмирлаш) тугаллангунгача ва қурилиши (таъмири) тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш (таъмирлаш) майдони ҳудудига материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

36. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

37. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

38. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ҚУРИЛИШИ (ТАЪМИРИ) ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

39. Қурилиши (таъмири) тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши (таъмири) тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

40. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

41. Пудратчи қурилиши (таъмири) тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусxada ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

XII. КАФОЛАТЛАР

42. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш (таъмирлаш) учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

43. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши (таъмири) тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 3 ой этиб белгиланади.

44. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

45. Пудратчи нуқсонлар ва тўла бажарилмаган ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Йўлқурилиш ишларини назорат қилиш" инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

46. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилиш (таъмирлаш)нинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

47. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

48. Обьектда шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўпма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш (таъмирлаш) бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

49. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга сабаблари кўрсатилган ёзма билдиришнома юборади.

50. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

51. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

52. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

53. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

54. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

55. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

56. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

57. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги "Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ:

58. ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд миқдорларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга ("Иштирокчи Томонлар") моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулквий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни қафолатлайди ва шунга мажбур.

XVI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

59. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

60. Пудратчи курилиш (таъмирлаш) объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

61. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

62. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

63. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш (таъмирлаш) майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш (таъмирлаш) майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

64. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

65. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

66. Шартнома Ғазначилик бошқармаси (бўлинмалари) рўйхатга олингандан сўнг юридик кучга эга бўлади ва 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

Томонларнинг манзиллари:

“ПУДРАТЧИ”

«Томди» ТЙФУК

Томди тумани, Ақтов ОФЙ
Тел./факс: 582-31-29.
х/р: 470010860122447045193118001
Тошкент шаҳар Марказий банк

ИНН:20477131, МФО:00014,

Директор


И.Норов

“БУЮРТМАЧИ”

Томди тумани Ободонлаштириш бошқармаси

Томди тумани Навоий кучаси 57 уй
Тел./факс: 79-582-21-69.
х/р:100022860122447045203110002
«Тошкент шаҳар» Марказий банк
ИНН:301602167, МФО:00014
ОКОНХ:90211.

Бошлик _____ Х.Б.Аманов

| | | |
|---|--|-------------------------|
|  | Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang. | |
| | Imzolovchi F.I.SH. | XUSAN AMANOV BAKIROVICH |
| | Imzolangan sana | 27 сен 2022 18:06 |
| | Hujjat kodi | ZX0760810571 |
| | Hulosa kodi | GY6252032016 |

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**
№ ZX0760810571

1. Loyihaning turi:

Shartnoma

2. Loyihaning nomi:

Xizmat ko'rsatish to'g'risida

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Tomdi tumani Obodonlashtirish boshqarmasi, 27.08.2022 yil


Huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra,

XULOSA:

" Tomdi tuman yo'llardan foydalanish unitar korxonasi" va Tomdi tumani Obodonlashtirish boshqarmasi umumiy summasi 139 000 000 (Bir yuz uttiz tukkiz million) so'mga tuzildi so'm bo'lgan 2022-yil 26-sentyabrdagi №09/2-sonli xizmat kursatish (pudrad) to'g'risidagi shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, taraflarning javobgarligi me'yori va nizolarni hal etish tartibi qonunchilikka, xususan O'zbekiston Respublikasining 1998-yil 29-avgustdagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi" 670-I-son Qonuni talablariga mos keladi.

Shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Tomdi tumani yuridik xizmat
ko'rsatish markaz boshlig'i
3-darajali yurist



I.Abdullayev
27.09.2022- yil.

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 148789 на приобретение Томди тумани "Шарқ" ОФЙ Шарқ массиви ички йўлларини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 22.09.2022

Время рассмотрения 21.09.2022 11:50

Закупочная комиссия Томди тумани Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|------------------------------|--------------------------------------|-------------------------------|---|
| Председатель комиссии | AMANOV XUSAN BAKIROVICH | Бошлик | Томди туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| Секретарь комиссии | IGILIKOVA KAMSHAT ABAYOVNA | Кадрлар назоратчиси | Томди туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| Член комиссии | NISANBAYEV YERLAN YESENJOLOVICH | Мухандис | Томди туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| Член комиссии | YERBEKETOVA GAUXAR SHAKIYEVNA | Бош ҳисобчи | Томди туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| Член комиссии | ABDRAMANOVA BAYAN JUBATXANOVNA | Худудларни кулда тозаловчи | Томди туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| Член комиссии | JAKSILIKOV MAXSUT MURATBEKOVICH | Йул назоратчиси | Томди туман Ободонлаштириш бошкармаси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 22.09.2022 года № лота 148789.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

| | |
|--------------------------------------|---|
| Наименование товара (работы, услуги) | Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог |
| Подробное описание | Томди тумани "Шарқ" ОФЙ Шарқ массиви ички йўлларини жорий таъмирлаш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 139 522 508.00 |
| Стартовая сумма | 139 522 508.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчиси хақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси хақида умумий маълумотлар Куйилма №2

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| ТОМДИ ТУМАН ЙПТФ КОРХОНАСИ | 15 | 1 | 15 | Экспертная | | |
| "SARBON" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 15 | 11 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №2 Корхона ёки ташкилотнинг иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхона ёки ташкилотнинг иш тажрибаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| ТОМДИ ТУМАН ЙПТФ КОРХОНАСИ | 15 | 5 | 15 | Экспертная | | |
| "SARBON" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 15 | 3 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №3 Мутахассисларнинг иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Мутахассисларнинг иш тажрибаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| ТОМДИ ТУМАН ЙПТФ КОРХОНАСИ | 15 | 3 | 15 | Экспертная | | |
| "SARBON" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 15 | 2 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №4 Моддий техника базаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Моддий техника базаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| ТОМДИ ТУМАН ЙПТФ КОРХОНАСИ | 15 | 2 | 15 | Экспертная | | |
| "SARBON" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 15 | 1 | 15 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование | Стартовая | Предлагаемая | Сумма с | Применение | Общее | Дата | Оценка |
|--------------|-----------|--------------|---------|------------|-------|------|--------|
|--------------|-----------|--------------|---------|------------|-------|------|--------|

| участника | сумма | сумма | учетом конвертации (UZS) | преференции | значение (UZS) | предложения | стоимости (балл) |
|---|----------------|--------------------|--------------------------|-------------|----------------|---------------------|------------------|
| ТОМДИ ТУМАН ЙПТФ КОРХОНАСИ | 139 522 508.00 | 139 000 000.00 UZS | 139 000 000.00 | 00.00 | 139 000 000.00 | 19.09.2022 08:38:32 | 100 |
| "SARBON" mas'uliyati cheklangan jamiyati | 139 522 508.00 | 139 522 508.00 UZS | 139 522 508.00 | 00.00 | 139 522 508.00 | 19.09.2022 09:35:38 | 99.6255 |

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---------------------------------|--------------------------------|---------------|
| ТОМДИ ТУМАН ЙПТФ КОРХОНАСИ | Прошел | 100 | 100 |
| "SARBON" mas'uliyati cheklangan jamiyati | Прошел | 99.6255 | 99.6255 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 148789 от 22.09.2022 года на приобретение Томди тумани "Шарқ" ОФЙ Шарқ массиви ички йўллари жорий таъмирлаш определила победителем:

ТОМДИ ТУМАН ЙПТФ КОРХОНАСИ
204771315

и резервный исполнитель: "SARBON" mas'uliyati cheklangan jamiyati (201384094)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|------------------------------|---------------------------------|-------------|-------------|
| Председатель комиссии | AMANOV XUSAN BAKIROVICH | Согласен | |
| Член комиссии | NISANBAYEV YERLAN YESENJOLOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | YERBEKETOVA GAUXAR SHAKIYEVNA | Согласен | |
| Член комиссии | ABDRAMANOVA BAYAN JUBATXANOVNA | Согласен | |
| Член комиссии | JAKSILIKOV MAXSUT MURATBEKOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП